

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOYIY-SIYOSIY GAZETA



• 2006-yil • 12-oktabr • Payshanba • 121 (27.613) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqqan boshlagan

• Тақдимот

**«ИЖОДИМИЗ
ҲАҚИДА
ГАПИРСАК»**

Кунча кеча Ўзбекистон Бадий академиясининг марказий ўргазмалар залида «Ижодимиз ҳақида гапирсақ» китобининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Альбомда Алишер Алиқуллов, Чингиз Аҳмаров, Баходир Жалол, Юрий Чернишов каби 32 нафар рассомнинг санъат ҳақидаги фикр-мулоҳазалари ўзбек ва рус тилларида берилган. Шунингдек, унда ижодкорларимиз ўз маҳорат сирлари билан ўртоқлашадилар. Альбом рангли бўлиб, «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти томонидан чоп этилган.

«Ижодимиз ҳақида гапирсақ» туркумини бошлаб бераётган ақсир наҳрнинг келгуси жилдларида китобхон тасвирий санъатнинг графика, монументал, декоратив-амалий йўналишларидаги ижодкорларимиз билан ҳам танишадилар. Зукко ўқувчиларимиз бу сара асарлар репродукцияларини томоша қилишга қолмай, балки ушбу ижодий асарларнинг яратилиш жараёни қай тарзда кечганилиги ҳамда уларнинг сервизат ижод йўлида қандай машаққатларни ўтганиликларидан ҳам воқиф бўладилар, — дейилади китоб сўз бошисидда.

— Мазкур альбом Президентимизнинг гоё ва ташаббуси билан яратилди, — дейди фансифа фанлари доктори, профессор Тилаб Маҳмудов. — Энди санъатга ошўфта инсонлар юртимизда яшаб ижод қилаётган рассомлар ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлишди. Бундан ташқари, бу каби наҳрлар талаба-ёшлар учун яшигина манба бўлиб хизмат қилади.

Тақдимот маросими альбомдан жой олган рассомларнинг асарлари кўргазмаси билан якунланди.
Маъмуржон МАХМУД



**ЯНА БИР ҚЎШМА КОРХОНА
200 ДАН ЗИЁД ИШ ҲРНИ**

Яқинда Марғилон шаҳрида «Марғилонтекстиль» ўзбек-турк қўшма корхонаси ўз фаолиятини бошлади. Мазкур корхона асосан, пахта толасини қайта ишлаш ҳамда йнгирилган ип-қалава ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Корхонада Германиянинг етакчи фирмаларида ишлаб чиқарилган юқори унумли технологик ускуналар ўрнатилган.

— Маҳсулотларимизга талаб катта, — дейди корхона бош муҳандиси Бахтиёр Маҳмудов. — Ўзбекистон — Туркия ҳамкорлигида бунёд этилган ушбу корхона бир йилда 2760 тонна йнгирилган ип-қалава ишлаб чиқариш қувватига эга. Бугунги кунгача 1000 тонна йнгирилган ип-қалава хорижга экспорт қилинди.

Маҳсулотларимизнинг асосий харидорлари Россия, Туркия ва Польша каби давлатлардир. Айни кунларда бу ерда 200 нафардан зиёд маҳаллий ёшлар меҳнат қилишмоқда.
Суратларда: корхона ишчиси Раъно Отаназарова; тайёр маҳсулотлар сифати кўздан кечирилмоқда.
М.ҚОДИРОВ (ЎЗА) олган суратлар.



**ЖАМОАТЧИЛИК СЕКТОРИ ВА
ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАР**

Пойтахтимизда «Жамоатчилик секторида демократик ислохотлар: умуминсоний ва миллий қадриятлар» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

У Республика Маънавият тарғибот маркази, «Маҳалла» хайрия жамғармаси, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти томонидан ташкил этилди. Тадбирда олимлар, экспертлар, ўқитувчилар, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари М.Ҳожиматов, Жаҳон иқтисодий ва дипломатия университети профессори, тарих фанлари доктори Р.Фармонов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислохот этиш жараёнида маънавий-маърифий соҳадаги янгилашлар билан ҳамроҳан тарзда амалга оширилаётганини таъкидлади. Айни вақтда юртимизда бозор

ислохотларини янада чуқурлаштириш, демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш иши жадал давом этмоқда.

Одамлар онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлаш, уларнинг сиёсий ва фуқаролик фаоллигини оширишда, мамлакатда рўй бераётган демократик ўзгаришлар қўламини кенгайтириш ва чуқурлаштиришда жамоат ташкилотларининг ўрни ва аҳамияти беқийсдир. Бугунги кунда мамлакатимиздаги ақсарият нодавлат ташкилотлар ўз фаолиятини ижтимоий-гуманитар, маданият ва таълим йўналишида олиб бормоқда.

Давра суҳбатида халқаро майдонда мафкуравий, гоёвий ва инфорамцион кураш кучайиб бораётган ҳозирги даврда маънавий-маърифий ишларни замон талаблари асосида ташкил этиш, ёшларимизни турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш, юрдошларимизнинг ҳаётга онгли

муносабатини шакллантириш, ёна-атрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини ошириш муҳим аҳамият касб этишига алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада мамлакатимизнинг турли вазирлик ва идоралари, жамоат ташкилотлари ўз фаолиятини ўзаро ҳамкорлик ва ҳам-жўхатликда ташкил этиши, халқимиз, айниқса, ёшлар ўртасидаги тарғибот-ташвиқот ишларининг таъсири ва самарадорлигини янада кучайтириши лозим.

Давра суҳбатида жамиятни демократлаштириш шароитида маънавий қадриятларни шакллантириш жараёни, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг фуқаролик жамиятини қуришдаги иштироки, ёшлар тарбиясида миллий ва умумбашарий қадриятларнинг ўрни ва аҳамияти каби долзарб мавзуларда маърузалар тингланди ва муҳокама этилди.

**Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири**

• ЎЗХДП ҳаёти

ЎҚУВЧИЛАРГА ХДП СТИПЕНДИЯСИ

Ўзбекистон ХДПнинг янги Дастурида она-Ватанимиз келажиги бўлган ёш авлодни тарбиялашга катта эътибор берилган. Чунки ёшлар — эртаимиз, юртимизнинг тақдири улар қўлида. Шу боис, Ўзбекистон ХДП Денов туман кенгаши хайрли бир ишга қўл урди. Иқтидорли ёшларни аълочи ўқувчиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида туман кенгашининг стипендиялари жорий этилди. Мазкур стипендиялар тумандаги мактаблар ва касб-хунар коллежларининг 40 нафар аълочи ўқувчиларига ўқув йилининг чораклари ва ярим йиллик якунларига қараб берилади. Стипендиялар тантанали равишда туман кенгашининг пленумлари ёки қўтлуғ са-

наларга бағишланган тадбирларида устозлар иштирокида топширилади.

Партия фаоллари, халқ таълими бўлими ходимлари ва оналар «Бизга ХДП туман кенгашининг бу ташаббуси жуда маъқул келди», деб айтмоқдалар.

«Аъло баҳолабга ўқиганингиз, наъмунали хулқингиз, жамоат ишларидаги фаол иштирокингиз учун туман кенгаши сизни ўз стипендияси билан тақдирлайди», деган сўзлар ёшларнинг юрагида чуқур из қолдиришмоқда. Айтиш лозимки, гап стипендияларнинг қанча миқдорда эканлигидан эмас, балки ёш авлодга қаратилган эътиборда. Шунингдек, стипендиялар ўқувчиларнинг билимга бўлган интилишини рағбатлантиришнинг бир йўлидир. Бугунги ёшлар қалбидан нур-

ли келажакка, порлоқ истиқболга ишонч уйғотишда савобли ишларнинг бошида турган Ўзбекистон ХДПнинг 15 йиллигини муносиб қутиб олишга ҳозирлик қураётган Денов туман кенгаши раиси Абдуалим Бўриевнинг айтишича бу каби олижаноб ишлар талайгина. Иқтидорли ёшлар орасида шахмат мусобақаларини ташкил этиш ҳам туман партия кенгашининг навабдаги режаларидан бири.

Қувонарлиси шундаки, баркамол авлодни тарбиялашда туман партия ташкилоти халқ таълими ходимлари билан елкама-елка, ҳамкорликда фаолият юритмоқда. Бу эса икки томон учун ҳам фойдали бўлмоқда.

**Абдураҳим ЖУМАҚУЛ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири**

ҚУРУВЧИЛАР СОВҒАСИ

Андижон вилояти, Олтинқўл туманидаги Хиндибоби қишлоғида сервис хизмати кўрсатишнинг етти йўналиши бўйича мутахассислар тайёрланди. 540 ўқувчига мўлжалланган янги коллеж фойдаланишга топширилди.

Объектни «Боғишамол» хусусий савдо-ишлаб чиқариш фирмаси қурувчилари бунёд этишди.

Курилиш учун 1 миллиард 450 миллион сўм сарфланди. Бу вилоятда жорий йилда фойдаланишга топширилган туртинчи коллеждир. Келаси йили яна 10 та ўрта махсус касб-хунар ўқув муассасасини барпо этиш ва реконструкция қилиш режалаштирилган.
**С.ШУКУРОВА,
ЎЗА мухбири**

• «Пахта — 2006»

ОМИЛКОРЛИК, МАНФААТДОРЛИК ВА ФИДОЙИ МЕҲНАТ НАТИЖАСИ

САМАРҚАНД: марра эгалланди!

Вилоят пахтачилиги кейинги йилларда алоҳида ривожланиш йўлига тушиб олди. Эришилаётган муваффақиятлар бунинг мисоли. Биргина ўтган йилда пахтачиликдаги даромад 75,3 миллиард сўмни ташкил этиб, 10,1 миллиард сўм соф фойда олинди. Жорий йилда қабул масканларига топширилган 248 миң тоннадан ортиқ сифатли хомашёнинг 90 фоизидан кўпроги юқори навларга сотилди. Даромад — 88,1 миллиард, соф фойда — 15,9 миллиард сўмдан ошиши кўзда тутилмоқда. Рентабеллик даражаси 14 фоиздан 22,4 фоизга ошиши кузатилапти.

— Ўтган йилдагидек баҳорнинг сўнги кунларида об-ҳавонинг ниҳоятда исиб кетишини инобатга олганда, бу йил пахтачилик учун анча қўлай келди, — дейди вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи Тўхта Худойназаров. — Мавжуд 103400 гектар майдонга эгизилган чигит бехот ундирилди. Асосий майдонларга иклимимизга мос «Оқдарё-6», «Омад», «Бухоро-102» гўза навлари экилди.

Самарқандлик «оқ олтин» бунёдкорлари меҳнат зафаридан фермерлик ҳаракатининг ҳиссаси салмоқли бўлганлигини алоҳида айтиш жоиз. Ўтган йилги натижаларга кўра паст

рентабелли ширкат хўжаликлари тугатилиб, ўрнида фермер хўжаликлари ташкил этилди. Ер ўз эгасини топди. Ўзибўларчилик ва ортиқча харажатларга йўл қўйиш каби иллатлар олди олинди. Муқобил машина трактор парклари хизматда турди. Уғит ва ёнилғимойлаш материаллари экин майдонларига вақтида етказиб берилди. Банк ва бошқа хизмат турларининг намунали ташкил этилиши ютуқларга пойдевор бўлди.

— Етиштирилган хомашёни қайта ишлашга алақачон киришганмиз, — дейди вилоят «Пахтаसानоат» акционерлик жамияти раиси Нормурод Омонов. — Мавжуд 9 та пахта қайта ишлаш корхоналарида қабул мавсуми билан боғлиқ барча зарур шарт-шароитлар яратилган. Оқдарё, Иштихон туманларидаги пахта қабул қилиш ва хомашёни қайта ишлаш корхоналари тубдан реконструкция қилинди... Олиниши кўзда тутилаётган мўмай даромадни вилоят ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг юксалиши ва аҳоли турмуш фаровонлигининг ошишига йўналтирамиз...

Эришилган муваффақиятда нарпайлик пахтакорларнинг муносиб ҳиссалари бор. Вилоятда карбонбошлиқни қўлдан бермай келаятган туман деҳқонлари бу

йил етиштирилган 32 миң тоннадан ошқ хомашёнинг ҳаммасини биринчи навларга сотишди.

— Одамлар энди-энди меҳнат фаровонлик қилишга экинликни ёрқин ҳис этишяпти, — ҳикоя қилади **Нарпай тумани ҳокими Акбар Жамиллов**. — Айниқса, фермерлик ҳаракати соҳада сифат ва самара бермоқда. Ўтган йили соҳадан олинган даромад 2 миллиард 600 миллион сўмни ташкил этган бўлса, жорий йилда уни 4 миллиард 800 миллион сўм бўлиши кўтилмоқда.

Шунингдек Жомбой, Пахтачи, Каттакўрғон ва Пастдарғом ту-

манлари пахтакорларининг ҳам юзлари бугун ёруғ.

— 230 гектар майдонда деҳқончилик қилиб, қабул масканларига белгиланган 575 тонна ўрнига 700 тоннадан ошқ пахта топширдик, — дейди **Каттакўрғон туманининг илғор фермерларидан бири Тоштемур Хайитов**. — Юз фоиз хосилимиз биринчи навларга олинди...

Хуллас, вилоят бугун зафар маррасида. Аммо, бу йилги-терим тугади, дегани эмас. Мавсум давом этмоқда.

**Шухрат ҚАРШИЕВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири**

ЖИЗЗАХ: Ҳали ҳосил чўғи баланд

Президентимизнинг пахтачиликни ривожлантиришга қаратаётган эътибори, соҳада амалга оширилаётган ислохотлар самараси ўларок, вилоятда тармоқда катта ютуқларга эришилапти. Жумладан, бу йил 106,4 миң гектар майдонда пахта етиштирган вилоят миришкорлари қабул пунктларига 234 миң тоннадан зиёд қимматбаҳо хомашё топшириб, давлатга пахта сотиш бўйича шартнома мажбуриятини адо этди.

Эрта қўқламданок далалар-

га маҳаллий шароитга мос, турли касаллик ва зараркундаларга чидамли, сермаҳсул «Ан-Боёвут-2», «С-65-24», «Оқдарё-6» каби тезпишар навлар экилди. Барча агротехник тадбирлар юқори савияда ўтказилгани, зараркундаларга қарши курашда биологик усулдан самарали фойдаланилгани натижасида мўл ҳосил етиштирилди. Терим уюшқоқлик билан ташкил этилиб, ҳосил қисқа фурсатларда йнгиштирилиб олинди. Эришилган ютуқга Дўстлик, Пахтакор, Мирзачўл, Арнасой туманлари фермерлари салмоқли улуш қўшишди.

Вилоятда қишлоқ хўжалиги юз фоиз фермерлаштирилгани, қишлоқ мулкдорлари ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани пахтачиликда юқори самарадорликка эришаётган мустақил деҳқонлар сафининг кенгайишига олиб келаяпти. Тармоқда 5 миң 668 нафар фермернинг 90 фоизга яқини шартнома мажбуриятини ортиғи билан уддалашди. Жиззах туманида Ўзбекистон Қаҳрамони Парда Зиётов етакчилиги қилаётган «Кўбсева Парда», Пахтакор туманидаги «Анвар-А», Дўстлик туманидаги «Қўшбулоқ», Арнасой туманидаги «Лочин», Мирзачўл туманидаги «Умид» фермер хўжалиқларида ҳосилдорликни ошириш борасида бой

тажриба тўпланди.

— Бу йил ҳам давлатга пахта сотиш шартнома режасини ошириб бажардик, — дейди **Дўстлик туманидаги «Машъал» фермер хўжалиги раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор Омон Абдуллаев**. — 118 гектар ердан биринчи теримдаёқ 38 центнердан ҳосил йнгиштириб олдик. Ҳосил юқори навларга топширилди. Демак, даромадимиз бу йил ўтган йилгидан ҳам зиёда бўлади.

Чўл шароитида ҳосил етиштириш осон эмас. Ҳукумати-миз томонидан фермерларга кўрсатилётган гапхўрлик, уларни имтиёзли кредитлар, лизинг асосида техника, ёнилғи, минерал ўғитлар билан таъминлаш борасида берилаятган кўмак, ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш йўлида қилинаётган салмоқли ишлар ва бугун вилоят аҳолисининг пахтакорларга ёрдами ўз самарасини берди. Далаларда ҳали ҳосил чўғи баланд. Пешона тери эвазига етиштирилган ҳосилни нест-нобузд қилмай йнгиштириб олиш мақсадида терим жадал давом этмоқда.

**Т.БЕКНАЗАРОВ,
ЎЗА мухбири**



Суратда: Каттакўрғон туманидаги Жума Хайитов фермер хўжалиги далаларида.
Хусан ТҲҲИЗОВ олган сурат

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT
XALQARO AEROPORTI
Хизматлар янгиликларини

O'ZSANOATQURILISHBANK
SIZNING MANFAATINGIZ — BIZNING MAJBURIYATIMIZ!
Tel.: 120-45-01, 120-45-82, 120-45-05, факс: 133-34-26
www.uzpsb.uz e-mail: info@uzpsb.uz
Хизматлар янгиликларини

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HANKORI!
Tel.: 132-25-51, 133-46-61, факс: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар янгиликларини

Миллий ҳамда чет эл валютасида барча банк хизматлари
Сизнинг муваффақиятингиз учун!
«ПАХТА БАНК» — ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР
Хизматлар янгиликларини

«Пахта — 2006»

ОМИЛКОРЛИК, МАНФААТДОРЛИК ВА ФИДОЙИ МЕХНАТ НАТИЖАСИ

ҚАШҚАДАРЁ: 426 минг тонналик хирмон нақд

— Агар фан нуқтаи назаридан олиб қарасак, — дейди вилоят гидрометеорология бошқармаси бошлиғи Илхом Раҳмонов, — табиий иқлим анча ўзгарганини алоҳида таъкидлаш лозим. Воҳани сув билан таъминлаб турадиган тоғларга ўғун йилдайдигани эмас, кейинги беш йиллик ҳисобиغا кўра, қор 45-60 физ қам ёғди. Оқибатда, иқлимда сезиларли ўзгаришлар юз берди, дарёлардан сув кам оқди. Вилоятнинг асосий экин майдонлари жойлашган Қарши дашти туманларида роса бир ой экинзорларга гармосел «олов» пурқадди. Иссиқ шамол тезлиги секундига 17-21 метргача етди. Бу ҳол кейинги ўн йилликда кузатилади эмас. Ёз ойларида ҳаво ҳарорати плюс 44-45 даражадан пасаймади...

— Тўғри, — давом этди вилоят пахта уруғчилиги бошқармаси бошлиғи, деҳқонлар кенгаши раиси Шодиёр Хўжа-назаров. — Аммо, деҳқонга қачон осон бўлган, дейсиз? Ердаги намни сақлаб қолиш учун далада 2 миллион тоннадан ошади гўнг ташиб чиқардик. Биринчи ишловда агротехника талабларига кўра намни қочириб, кейингида эса уни сақлаб қолиш чораларини кўрдик...

— Уруғ танлашга эътибор қандай бўлди? — сўрадик сўзини бўлиб.

— Воҳада 18 та уруғчилик лабораториялари ташкил етдик. Жами 173 минг гектар ерга чигит ташладик. Асосий ҳажм қилиб «Бухоро — 6»ни танладик. 20 минг гектар ерда «Бухоро-8»ни ҳам синаб қўрдик. Тезлишар «Наманган-77» «Бухоро-300» ҳам навлари «имтиҳон»дан яхши ўтди.

— Сув бу қадар тортилиб кетишини сира кутмагандик, — сўзга қўшилди Аму-Қашқадарё ирригация тизимлари ҳавзаси бошқармасининг раҳбари Ботир Раҳмонов. — Ҳўзалар ўртача ўн мартадан сугорилади, холос. Шунда биз, биринчи на- бавбатда сув исрофгарчилигига қарши курашувчи 673 нафар ходим бириктирилган бир юз саксон участка туғиздик, артезиан қудуқларидан 48 миллион кубометр сув тортиб чиқардик. Тоза сув аралаштирилган 153 миллион кубометр зовур сувларини экинзорларга оқизишга мажбур бўлдик. Бошқа илож ҳам йўқ эди...

— Олдин агрономликдан Китоб тумани ҳокимлигига йўлини босиб ўтган Луқмон Гаффоровнинг ҳам фикрлари эътиборга лойиқ.

— Илгари деҳқон далага тирриқчилик илминга чиқарди. Ишдан ҳам, иш ҳақидан ҳам кўнгли тўлмасди. Энди ер ўзини, топан пули ҳам. Уни ҳеч қим «торт-торт» қилолмайди. Одамлар ерга, меҳнатга меҳри шундан...

— Ҳа, масалан, тумандаги Шодмон Умаров номли ширкат қайта тизилгач, механизатор Жума Бердиев 17 гектар ер олиб, фер-

мер ҳўжалиги тузди. Сув тақчиллигини ҳам, шамол балосини ҳам бошидан кечирди... Бўш келмади. Ҳаласи ҳам пахтаси ҳам мўл бўлди. Айниқса, пахта ҳосилдорлигини гектар бошига 32 центнер ўрнига 42 центнерга етказгани чинакам фидойилик...

Бундайлар вилоятда ўнлаб ва юзлаб... Нишон туманида фермер Тура Раҳмонов эришган ютққа яқинлашадиганлар топилмади. Тўғри, шу тумандаги «Фозил», «Турсунов Ибодулло», Касби туманидан — «Амурулло Курбонов», «Жайхун Отамуродов», Қарши туманидан — «Раззоқ бобо набираси», «Абдукарим» каби фермер ҳўжалиқларида ҳам гектардан 40-45 центнерлик маъра эгаланди. Ана шундай миришкорлар меҳнати эвазига Китоб, Яққабоб, Шахрисабз, Қарши, Нишон, Муборак, Миришкор туманларидаги қўлбал фермер ҳўжалиқларида бу кўрсаткич 55-60 центнерга етди.

Хуллас, бугун Қашқадарёда зафар шодиёнаси: 426 минг тонна пахта нақд! Ҳадемай, бу ерда Амир Темур ҳазратлари таваллудининг 670 йиллик Қарши шаҳрининг 2700 йиллик қутлуғ тўйлари нишонланади. Бугунги тикланган хирмон сув тўйларга тўйна бўлди.

Терим давом этмоқда.

Юнус УЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

СИРДАРЁ ҳам илгорлар сафида

Йилғим-теримни уюшқоқ билан давом эттириётган сирдарёлик миришкорлар ҳам зафар маррасини қўнган илгорлар сафига қўшилди. 115 минг 300 гектар майдонда ғўза парваришлаган чўлқурлар қабул пунктларида 250 минг тонна пахта топшириб, шартнома мажбуриятини бажардилар.

Паст рентабелли ширкатларнинг фермер ҳўжалиқлари айланган, фермерларда мулкдорлик ҳисси шаклланиши ва айниқса, агротехника қўлдаларига қатъий амал қилинганлиги эришилган ютуқлар омили бўлди. Хозирча мавжуд 7 минг 472 фермер ҳўжалигининг беш мингдан зиёди режаларини ортиги билан уйдлашди. Сайхунбод туманидаги «Абдувайит ота», «Орзимурод Фозилов», «Алибой ота», Сирдарё туманидаги «Сирожиддин Дўстбеков», «Ботирбой», Гулистон туманидаги «Расул бобо», «Одил», Бобёв туманидаги «Сайхун», «Мурод бобо фарзандлари», «Худойкул бобо», Оқолтин туманидаги «Абдусалом Абдуразақов», «Элдоржон» фермер ҳўжалиқларида ҳосилдорлик юқори бўлди.

Жорий йилда вилоят тупроқ ва иқлим шароити чуқур ўрганилган, экин учун чигитнинг эртагишар «Ан-Боёвут-2» «С-6524», «С-4727» ва «Оқдарё-6» навлари танланди. Ғўза парваришида миришкорларга ўғит, ёнлиғи-мойлаш материаллари таъминоти ходимлари яқиндан кўмаклашди. Ғўза зараркундаларига қарши асосан арзон ва самарали биологик усулда кураш олиб борилди ва бунда жойлардаги биологикал хизмати катта бўлди. Сув тақчиллиги нисбатан юқори Сардоба, Оқолтин, Мирзаобод туманларининг айрим ҳудудларида ғўза тунда сугорилиб, тупроқда доими намликни сақлашга катта аҳамият берилди.

Етиштирилган ҳосилни ёғин-сочинга қолдирмай йилғиб олишда Сайхунбод, Сирдарё, Гулистон ва Боёвут туманлари деҳқонлари барчага ўрناк бўлдилар. Жойларда теримчи ва ҳашарчиларнинг ишлаши, дам олиши ва маданий ҳордиқ чиқариши учун ҳам барча шарт-шароит яратилгани иш унумини оширди...

Д.ЭСОНОВА, ЎЗА мухбири

Шахсий фикр, таклиф, мунозара

ҲУҚУҚШУНОСЛИК ТИЛИ

ЁКИ БАЪЗИ ЮРИДИК АТАМА ВА ҚОНУНЛАР НОМИ ХУСУСИДА

Ижтимоий ҳаётда тилининг ўрни ва қадри алоҳида аҳамиятга эга. Ҳуқуқшунослик оламида ҳам фикрни тўғри изхор эта билмиш иккинчи даражали масала эмас, албатта. Юридик қонун тили илмий, адабий, соф, барчага тушунарли бўлмоғи шарт.

Лекин баъзан, ҳуқуқшунослар ва тилшуносларнинг турли анжуманларда қонунларимиз матни баъзи жиҳатлардан нуқсонли экани қайта-қайта таъкидланган ҳолларга гувоҳ бўлганман. Бу ҳақда илмий тадиқотлар ўтказилган, ҳатто докторлик диссертацияси ҳамма қилинган. Назаримда, танқид-мулоҳазалар кўпу, уларнинг махсули сезиларли эмас.

Бошқа соҳаларда юз берганидек, ўйламай-нетмай, бир томондан, синналмаган «янгиллик» заруратсиз интилиш ва иккинчидан, бус-бутун ишлатиб турилган анжуман аслаҳдан «эскирган» деб воз кечиш ҳуқуқшунослик тилига ҳам тааллуқли. Байналмилал терминларни қўллаш, эски атамалардан воз кечишга ҳақдан зиёд қаҳриқлар унга эъмонда пугет етказган эмас. Чунки, 1938-1940 йилларда миллий қонунларимизга байналмилалликка даъво қилган «заседатель», «свидетель», «специалист», «дело», «определение», «ответ» каби ўнлаб сўзлар киритилди ва уларнинг ўзбекча муқобиллари чиқариб ташланди. Бу ҳолларга 1989 йилда «Давлат тили тўғрисида» қонун ва мустаклилик йилларида янги кодекслар ва қонунларимиз қабул қилиниши муно-

сабати билан барҳам берилди бошланди.

Айни вақтда «ишни етқизиш», «иш юритувни янгиллаш», «мулкни халлаш ва арестта олиш» каби ноаниқ иборалардан воз кечилди. Бир мисол: қонунларимизда рус тилидан сўзма-сўз таржима қилинган «Суриштирув олиб борувчи шахс» сўзлари ўрнига 1994 йилдан бошлаб оддийгина «Суриштирувчи» ибораси қўланилиб келинган. Қараганки, шундан кейин Россия Федерациясининг қонунларида ҳам «лицо, производящее дознание» сўзлари «дознаватель» термини билан алмаштирилди.

Русча «ответственный» сўзи ўзбек тилининг лугат бойлигидан фойдаланиб, матнинг мазмунига қараб, «жавобгар» (салбий) ёки «масъул» (ижобий) тарзда таржима қилиниши мумкин. Лекин баъзилар «масъул»ни архаик деб ҳисоблаб, ундан ўринлига ҳам тааллуқли. Байналмилал терминларни қўллаш, эски атамалардан воз кечишга ҳақдан зиёд қаҳриқлар унга эъмонда пугет етказган эмас. Чунки, 1938-1940 йилларда миллий қонунларимизга байналмилалликка даъво қилган «заседатель», «свидетель», «специалист», «дело», «определение», «ответ» каби ўнлаб сўзлар киритилди ва уларнинг ўзбекча муқобиллари чиқариб ташланди. Бу ҳолларга 1989 йилда «Давлат тили тўғрисида» қонун ва мустаклилик йилларида янги кодекслар ва қонунларимиз қабул қилиниши муно-

ҳисобланади. Бу борада 1994 йилдан қонунларда ва ҳуқуқий адабиётда «жиноят квалификацияси», «жиноий фаолиятни муайян модда билан квалификациялаш» иборалари ишлатиларди. Ваҳоланки, жиноятнинг квалификацияси, яъни малакаси йўқ, уни асло малакалаб бўлмайдди, фақат мазмунини ифодалаш, тавсифлаш мумкин. Қонунда бу масала ўз аксини топди, аммо тергов-суд амалиётида хануз «жиноятни малакалаш» ибораси, афсуски, учраб турибди.

Яқин-яқинларда айбдор ва айбланувчи, судланган ва судланувчи, маҳбус ва маҳкум сингари атамаларнинг бир-бирдан фарақли эътибор берилмасди. Эндиликда улар ўз ўрнида ишлатилмоқда. Лекин хануз шундай атамалар борки, улар ифодаланиши лозим маънони англатмайди. Чунки, мулкчи ва маънавий низолашувчи тарафлардан бирини «фуқаролик дāvогари» деб аташга ўрганиб қолган. Мантиқан бу шахс худди фуқароликка қабул қилинишини талаб этаётгандек. Уни «фуқаровий даввогар» деб аталса маъқул бўларди.

«Жабрланувчи» атамаси гўё жиноят иш бўйича ҳозир ҳам жабрланаётган шахсни билдираётгандек, аслида жабрланган, азият чеқкан, зарар кўрган шахс — «жабрдор» деб номланса маъқул.

«Гумондор», «Гумонланувчи» атамалари ўрнига «Гумон остидаги шахс» ибораси ишлатила-

«ЎзХДП — 15 йил» танловига

ХАЛҚ ЮКИНИ ЕЛКАГА ОЛИШ ОСОН ЭМАС

Баъзан одамлар ўзлари сайлаган депутатдан нотўғри қилишади. Негаки, мамлакатимиз қонунчилигида депутатнинг мақоми, ҳақ-хўжуқлари белги- ланиб, улар амалда таъминланаётган бўлса-да, ҳали айрим депутатларимиз ўз ваколати доираси- да етарли фаолият олиб бормаётганлиги бор гап. Бундан ташқари, депутатнинг мақоми, ҳақ-хўжуқлари белги- ланиб, улар амалда таъминланаётган бўлса-да, ҳали айрим депутатларимиз ўз ваколати доираси- да етарли фаолият олиб бормаётганлиги бор гап. Бундан ташқари, депутатнинг мақоми, ҳақ-хўжуқлари белги- ланиб, улар амалда таъминланаётган бўлса-да, ҳали айрим депутатларимиз ўз ваколати доираси- да етарли фаолият олиб бормаётганлиги бор гап.

Бундан ташқари, депутатнинг мақоми, ҳақ-хўжуқлари белги- ланиб, улар амалда таъминланаётган бўлса-да, ҳали айрим депутатларимиз ўз ваколати доираси- да етарли фаолият олиб бормаётганлиги бор гап.

Бундан ташқари, депутатнинг мақоми, ҳақ-хўжуқлари белги- ланиб, улар амалда таъминланаётган бўлса-да, ҳали айрим депутатларимиз ўз ваколати доираси- да етарли фаолият олиб бормаётганлиги бор гап.

Бундан ташқари, депутатнинг мақоми, ҳақ-хўжуқлари белги- ланиб, улар амалда таъминланаётган бўлса-да, ҳали айрим депутатларимиз ўз ваколати доираси- да етарли фаолият олиб бормаётганлиги бор гап.

— Мамаражаб ака, ўзингиз давлат архиви туман бўлимининг раҳбари экансиз, тагин вилоят Кенгаши депутати. Иккала вазифани уйдлаш оғир эмасми?

— Аввало, шу ишларни вазифа деб гўғри тушунганингиз учун раҳмат. Қўлчиллик буни катта лавозим деб билади. 2004 йилги сайловда партияимиз 11-Булуғур сайлов округидан мени вилоят Кенгаши депутатлигига номзод этиб кўрсатди. Очиги, ўшанда бироз чўчигандим. Чунки, халқ ишончини қозониб, бир неча номзод орасидан ютиб чиқиш осон эмасди-да. Лекин сайловда дас-тур ва мақсадларим одамларга маъқул келган бўлса керак, ишонч билдиришди. Мен ҳам сайловчиларнинг ишончини оқлашга ҳаракат қиламан.

— Сизга муваффақият келтирган ўша дастурда нималар ўз аксини топган эди?

— Мутахассислигим бўйича таълим тизими ходими бўлганим ва кўп йиллар шу соҳада ишлаганим боис, қолаверса, партияимизнинг бош мақсадидан келиб чиқиб, биринчи навбатда, туманда халқ таълими соҳасида олиб борилаётган ишларга ҳисса қўлиш, аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламлари манфаатини ҳимоя қилиши асосий мақсад қилиб олганман. Депутатлик фаолиятимни ҳам ана шу соҳалардаги муаммо ва камчиликларни ўрганиш, бу борада халқ фикрини билишдан бошладим. Сайлов округи ҳудудидан 18 та маҳалла, 23 та умумтаълим мактабларида сайловчиларим билан учрашувлар ўтказдим. Ана шу тадбирларнинг ўзи олдидан қандай вазифалар борлигини кўрсатиб берди.

— Кейин...

— Кейин депутатлик сўровлари бошланди. Туман ҳокимлиги, халқ таълими, ижтимоий таъми-

нот бўлимларига тез-тез бориб турадиган бўлдим. Депутатлик қабулини йўлга қўйдим. Вилоят, туман Кенгаши сессияларида қўриладиган масалалар юзасидан таклиф, истаklarимни бил- дирдим. Умуман, ваколат доира- сида ишлашга ҳаракат қиламан.

— Ҳўш, бу ҳаракатларнинг натижаси бўлаётми, халққа нафи тегаётми?

— Тўғриси, одамларга нафи тегадиган бунинг нима ҳақли бор? Асосий мақсад ҳам аҳоли фаровонлиги-ку? Мақтанашга йўйма- сангиз, айрим мисолларни келти- раман. Шу йил бошида Х.Ман- сурова деган ўқитувчи ноқону- ний равишда ишдан бўшатилган- дан шикоят қилиб келди. Ту- ман халқ таълими бўлимига бо- риб масалани ўрганиб чиқиб, қонуний ҳал қилдик. Опа ишга тикланди.

Бундан ташқари, Мирзо Улуг- бек номи маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи бир депутатлик фаолиятимни ҳам ана шу соҳалардаги муаммо ва кам- чиликларни ўрганиш, бу борада халқ фикрини билишдан бошладим. Сайлов округи ҳудудидан 18 та маҳалла, 23 та умумтаълим мактабларида сайловчиларим билан учрашувлар ўтказдим. Ана шу тадбирларнинг ўзи олдидан қандай вазифалар борлигини кўрсатиб берди.

— Кейин...

— Кейин депутатлик сўровлари бошланди. Туман ҳокимлиги, халқ таълими, ижтимоий таъми-

ратик партиясининг асосий мақсадлари каторида «меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлаш орқали ҳамма учун иш ва фаровонлик» деган гап кўп такрорланади. Ушбу партиянинг аъзоси, қолаверса бу мақсаднинг амалга оширишда ўз ҳиссасини қўлиши керак бўлган депутат сифатида фикрингиз.

— Меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлаш ва мамлакатда ишсизликни бартараф этиш партияимизнинг бош мақсадларидан бири. Ахир бусиз халқнинг турмуш фаровонлигини ошириш мумкин эмас. Аммо ҳозирги кунда иш ўринлари яратишнинг ўзи катта муаммо. Шунинг учун партияимизнинг янги Дастурида маҳаллий хомашени тўплаш ва бирламчи ишлов бериш бўйича, шунингдек, катта сармоя талаб қилмайдиган қўл меҳнати, касаначиликни ривожлантириш йўли билан иш ўринларини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилган. Бу йўналиш бизнинг туманимиз учун ҳам жуда мос келади. Дарвоқе, шу йил бошида Ингичка қишлоғи ёшларини иш билан таъминлаш мақсадида «Афросиёбмева» қўшма корхонаси билан келишиб олдик.

— Партиянинг оддий бир аъзоси сифатида ХДПнинг Булуғур тумани ҳаётидаги тутган ўрнини қандай баҳолайсиз?


— Биз тумандаги етакчи сиёсий қўллардан биримиз деб ай-

тсам янглишмаган бўламан. Бу биринчидан, бошқа партияларга нисбатан бизнинг аъзоларимизнинг қўлигида кўринса, иккинчидан халқ депутатлари туман Кенгашида ҳам энг кўп (11 нафар депутат) ўринни ХДП эгаллаган. Булуғурда амалга оширилаётган ислохотлар, жамият депутатларидан иборат ишчи гуруҳимиз ҳар икки ойда маълум бир соҳани ўрганиб таҳлил қилади. Муаммолар масалаларни навбатдаги сессияларга олиб чиқади.

— Демак, ХДПдан сайланган депутатлар ўз олдларига қўйилган вазифаларни бажаришмоқда.

— Ҳа, шундай дейиш мумкин. Лекин депутатликнинг ёки беришган ваколат ва имкониятлар олдидан бу ҳеч нарса эмас. Турмушимизда баъзи бир муаммо ва камчиликлар бор экан, демак, депутатнинг вазифаси ҳам анчагина. Хали фаолиятимиздан қониқиб эрта. Шаҳсан ўзим туман халқ таълими ва коммунал соҳаларда, аҳолини иш билан таъминлаш, тиббий хизмат кўрсатиш масалаларида муаммолар борлигини яхши биламан. Уларнинг ечимини топиш эса шу соҳа вақиллари билан биргана бизнинг ҳам вазифамиз ҳисобланади.

Ғолиб ҲАСАНОВ сўхбатлашди.



Наманган ҳудудий стандарташтириш ва метрология бошқармаси жамоаси асосий эътиборни халқ истеъмоли моллари сифатини кескин яхшилаш йўлида корхоналарда амалий ёрдам бериш учун мониторинглар ўтказаяпти. Уларда аниқланган камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмоқда.



Суратларда: Бошқарманинг ўқув ва метрология лабораторияси бошлиғи М.Абдуллаев, мутахассислар Ф.Қўзиёев ва Ҳ.Аббосовлар; электротехника лабораторияси мутахассислари Ш.Нурдиннов, Е.Чернобай.

Ғафур АБДУМАЖИДОВ, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, юридик фанлар доктори, профессор

«Хомийлар ва шифокорлар йили»



МАЛАКАЛИ ТИББИЙ ХИЗМАТ

Мамлакатимизда Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар, қилинаётган соғий-ҳаракатлар натижасида аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш савияси йилдан-йилга амалга оширилган ҳам бу борада амалга оширилаётган ишлар ўз самарасини бераётди.

Яккабоғ шаҳридаги 2-сонли шифохонанинг мавжуд бўлимида беморларнинг кўнгилдагидек давола-нишлари учун барча шароитлар яратилган.

— Шифохонамиз 1990 йили ишга туширилган, — дейди бош шифокор, ЎзХДП вилоят кенгаши депутати Ойсанам Бобоқуллова. — 230 нафар тиббий ходимдан иборат жамоамиз халқимиз саломатлиги йўлида бор куч ва имкониятларини ишга солмақда.

Шифохонада асосан ички аъзолари хасталанган беморлар даволанадилар. Бу ерда қорин соҳасидаги хасталикларни зарур бўлган пайтларда жаррохлик йўли билан муолажа қилиш ҳам йўлга қўйилган. Жумладан, биргина ўтган йили 350 нафардан зиёд бемор қўшни

туманлардан келиб даволаниб кетди-лар.

Шифохонада «Хомийлар ва шифокорлар йили» дастури асосида режалар ишлаб чиқилган. Унга асосан иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, ёлғиз қариялар, боқувчисини йўқотган ҳамда кам таъминланган оилаларга шифохона маъмурияти томонидан бегараз ердан кўрсатиб келинмоқда. Сўнгги йилларда шифохонага бир қанча замонавий асбоб-ускуналар келтирилганиги даволаш самардорлигини янада оширди. Бу ердаги шифохилнинг тиббий

ёрдан бўлимида иккита жаррохлик хонаси мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар иккаласи ҳам жaxon андазалари талабларига жавоб берувчи замонавий тиббий ускуналар билан тўлиқ жиҳозланган. Мазкур хоналарнинг бирида режалар асосида, иккинчисида эса шифохилнинг жаррохлик ишлари амалга оширилади.

Абдурасул ПАРДА
Суратларда: шифохона ходимлари иш фаолияти-дан лавҳалар.

Муаллиф олган суратлар

• Шарҳ

РЎМОЛГА ОТИЛГАН ТОШ БОШГА ТЕГАДИ

ЎКИ ЕВРОПАДА РЎМОЛ ЎРАГАН АЁЛЛАРГА «ОЛА КЎЗ» БИЛАН ҚАРАЁТГАНЛАР ҲАҚИДА

Яқинда хорижнинг оммавий ахборот воситаларида антика бир ҳафза чоп этилди. Буюк Британиянинг собиқ ташқи ишлар вазири Жек Стронг аёлларни ёқтирмади. Энди қонунчилик билан шуғулланишни ният қилган собиқ дипломатнинг ҳузурига мабодо чодирали аёл келса у рўмолини ечмагунча қабул қилмасмиш.

Бундан чиқди, собиқ ва-зир ўз мамлакатиде, яъни Лондонда «Хизб-ут-Таҳрир»нинг бош маҳкамаси жойлашгани ва ўз вақтида бу ташкилот жаҳонда эркин «фаолият» кўрсатиши учун қулай шароит яратиб берилганини унутиб қўйган қўринадди.

Ўринли савол туғилади: умуман, мусулмон оламига тош отиш учун чодирани (рўмолини) баҳона қилиш шартми? Парийда рўмол ўраш қонун билан тақиқлаб қўйилган бўлса, Брюссель қўчаларида рўмол ўраганга ола кўз билан қаралса ва гумон остига олинса-ю, қўчаларда ярим яланғоч хонимлар бемалол юраверсалар?.. Ҳўш, рўмоли аёллар камситилаётганлигининг боиси нимада?! Ахир, рўмол мусулмон аёлларнинг миллий кийими-ку! Нима, миллийликни камситиш ҳам демократик қадр-иятми?!

Кейинги пайтда демократия даҳолари нега айнан мусулмон аёлларнинг рўмол ўраётганликлари ҳақида ташвишланиб қолишди?

Гап фақат Жек Стронгнинг ўзида эмас, афсуски, жаҳонда унга ухшаганлар тобора кўпайиб бормоқда. Ҳозир интернетда, «Евроноўс» телеканалда, фарбнинг

қўллаб оммавий ахборот воситаларида мусулмонна қадриятларга нисбатан истаганча физку фасод топилади. Лекин уларнинг бирортасида ҳам Армстронг, Кусто, Тайсон, Жексон, Хейердал каби дунёга машҳур одамлар нега исломни танлаганликлари ҳақида лом-мим дейилмайди. Айтгандай, яқинда машҳур инглиз боксчиси Дэнни Уильямс ҳам ислом динини қабул қилди.

Айниқса, диний эътиқод муқаддас. Ундан тойишлик ва тонилиш, аввало, Тангрига ва унинг динига, қолаверса, ўтган авлод-аждоғда, бутун эл-юртга хиёнатдир. Президентимиз Ислам Каримовнинг «Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда» деган китобида шундай дейди: «Диний қадриятлар, исломий тушувлар ҳаёти-мизга шу қадар сингиб кетганки, уларсиз биз ўз-ўзимизни йўқотамиз. Ҳоҳ ёш бўлсин, хоҳ кекса бўлсин, ҳар бир ўзбек нимагаки муносабат билдирмасин, албатта, уни беҳиётчи Яратқувчининг номи билан боғлайди. Ҳар бир сўзимизни, ишимизни бисмилло айтиб бошлаймиз, яъни «ёмон қўларимизда худого шукрона келтирамиз, тавба қиламиз. «Шукр» деган каломни ҳар кун айтайдиган бирор-бир инсон Ўзбекистонда бормикан ўзи!»

КИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИ

Мамлакатимизда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ўз самарасини бермоқда. Фермерларнинг ерга эгаллик ҳисси тобора мустақамланиб, маҳсулот ишлаб чиқаришга юксак муваффақиятларга эришаётгани бунинг далилидир.

Мазкур соҳани молиявий ресурслар билан таъминлаб, янада ривожлантириш масаласи доимий эътиборда. Бу борада банкларро босқирда рақобат муитини яратиш, банк ва лизинг хизмати сегментларини ривожлантириш, микрокредитлар ажратиши янада кенгайтиришга қаратилган изчил чора-тадбирлар амалга оширилди.

Акцидорлик тижорат «Пахта банк» мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини фаол молиялаштиришда алоҳида ўрни бор. Банк бу

йўналишдаги барча молиявий манбалардан самарали фойдаланмоқда. Пойтахтимизда давом этаётган Осий, Тинч Океани қишлоқ ва қишлоқ хўжалигини кредитлаш уюшмасининг (АПРАКА) тадқиқот тузилмалари директорлари семинарида бу алоҳида таъкидланди.

Унда мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги қорхоналарига пахта ва галлани етиштириш ҳаражатлари учун кенг қўламли имтиёзли кредитлар ажратишга алоҳида эътибор берилганлиги қишлоқ инфратузилмасининг янада ривожланишида муҳим аҳамият касб этаётгани қайд этилди. Жумладан, «Пахта банк» ўз маблағлари ҳисобидан таъминот қорхоналарига минерал ўғит, ёнилғи-мойлаш материаллари, қишлоқ хўжалик техникасига эътиб қисмлар харид қилиш учун кредитлар бермоқда. Банк томонидан қишлоқ хўжалиги қорхоналарига мунтазам

лизинг хизматлари кўрсатилиб, айни шу йўналишда 15,5 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилди.

Бундай муваффақиятларда «Пахта банк» билан АПРАКА ўртасида мунтазам йўлга қўйилган ҳамкорлик алоқалари кўл келмоқда. 1977 йилда ташкил этилган мазкур уюшма ўз сабига 23 мамлакатнинг олти мишта банк ва молия муассасасини бирлаштирган. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва микрокредитлаш лойиҳаларини амалга ошириш бўйича халқаро фондлар ва уюшма аъзолари ўртасида ўзаро ҳамкорликни мувофиқлаштириш, ахборот алмашинувини таъминлаш мазкур ташкилотнинг асосий фаолият йўналишларидандир.

Семинарда АПРАКА бош директори Б. Байауа Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини

ривожлантиришга устувор вази-лардан бири сифатида қараётганлигини алоҳида таъкидлади. Жумладан, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ҳажми мутасил ошиб, қишлоқ аҳолисининг даромади ва фаровонлиги юксалмоқда. Ўзбекистон банклари, жумладан, «Пахта банк» томонидан фермерларга берилган ахборот тўплаш ва маслаҳат бериш, замон талабларига мос ўй-халқаро алоқаларни амалга ошириш юзасидан кенг фикр алмашилди.

Н. АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири

ТОЖИКИСТОН

Тожикистон Марказий сайлов комиссияси президентлик сайловида қатнашишга ариза берган яна икки номзодга гувоҳнома-лар топширди.

Тожикистон МСҚ раҳбари Мирзоали Болтуев сўзларига кўра, энди сайлов олди кампаниясига Аграр партияси раиси Амир Каракулов, ва социалистлар етакчиси Абдухалим Гафаров қўшилиши мумкин.

Шундай қилиб, айни пайтда президентлик учун беш номзод кураш олиб бормоқда.

9 октябрь куни номзодлиги ҳақидаги гувоҳнома-ларни мамлакатнинг амалдаги президенти Имомали Раҳмонов, Иқтисодий ислохотлар партияси раиси Олим Бобоев ва Тожикистон коммунистлари етакчиси ўринбосари Исмоил Талбақовлар қўлга олишди. Барча номзодларга мамлакат газнасидан минг доллардан пул берилди.

• Банк ва миқжоз

ФАОЛИЯТ ИЗЧИЛ БЎЛСА

ЮТУҚЛАРНИНГ ЎЗИ КЕЛАВЕРАДИ

БУГУНГИ МАНЗАРА
Юртимизда мезон ойи. Мезвалан бол томади. Богбону союб-корлар ўзлари етиштирган ҳосил билан бозорларни тўлдирган...

Пахтазорларда ҳам қизғин дамлар. Бундай пайтда пахтакорларга мадад керак. Айниқса, молиявий мадад.

Акцидорлик-тижорат «Пахта банк»нинг Самарқанд вилоят бошқармаси зиммасига алоҳида масъулият юкланган. Банк ва унинг туманлардаги филиаллари ҳар бир ҳодими чекига 15-20 тадан фермер хўжаликлари бириктирилган. Терим иштирокчиларига ҳар беш кунлик пулларига кўра иш ҳақи пешма-пеша эътиб берилаяпти.

КЕНГ КАМРОВЛИ ФАОЛИЯТ
Бошқарма асосий эътиборни иқтисодиётнинг реал секторини молиялаштириш, аҳолининг бўш пул маблағларини банк айлани-масига жалб қилиш, минибанклар тармоқини кўпайтириш ва банкни капиталлаштиришга қаратиб, омонатчилик, акциядорлар ҳамда банкнинг бошқа кредиторлари манфаатларини ҳимоялашни мақсад қилган. Бунинг учун ўз стратегик ривожланиш бизнес режаси кўрсаткичларининг тўла бажарилишини таъминлаш — бош ва-зифа қилиб қўйилган.

АНИК МИСОЛЛАР
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигиндан 2005 йил 11 августда «Қишлоқ хўжалик қорхоналарининг давлат эътиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва галла етиштириш ҳаражатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тўғрисида»-ги Низомга асосан туман филиаллари томонидан хизмат кўрсатилаётган 2790 та ширкат ва фермер хўжаликларига 2006 йил галла ҳосилини етиштириш учун (белгиланган тартибда) 6261,7 млн. сўмлик имтиёзли кредит ажратилди. Шунингдек, 2006 йил ҳосили билан боғлиқ ҳаражатларни кредитлаш бўйича ҳам бугунга қадар бошқарма бўйича 2312 та ширкат ва фермер хўжаликларига 15 554,8 млн. сўм имтиёзли кредитлар берилди.

Бошқарма кичик ва хусусий бизнес вакиллари қўллаб-қувватлашга айниқса, катта аҳамият бермоқда. Жумладан, ишлаб чиқаришга хорижий инвестициялар жалб қилиш борасидаги ишлар алоҳида диққатга сазовор. Бир мисол: «Ургут яшил олтини» масъулияти чекланган жамият «Пахта банк»нинг Ургут филиалдан икки марта кредит олди. Ишлари юришиб кетиб, қарзлар вақтида қайтарилди. Қорхона кредитдан фойдаланиб, ишлаб чиқаришни аниқ маромга туширди. Натижада аҳолига қўллаб қўриш материаллари етказиб берилиши билан бирга қўшимча ишчи ўринлари ҳам яратилди.

— Яқинда яна банк филиалга мурожаат қилдик, — дейди **жамият раҳбари Зайниддин Ахоров**. — Негаки, ишлаб чиқаришни янаям кенгайтириш зарурияти туғилди: цемент ҳамда шифер маҳсулотларига харидор кўпайиб қолди. Банклар 500 млн. сўм миқдорда кредит ажратилди. Олинган янги кредит хисобидан турли хил дастгоҳ ва ускуналар олиб келдик. Қўшимча 90 та иш ўрни вуҳудга келди. Бир кеча-кундузда 2500-3000 донагача сифатли шифер ишлаб чиқара бошладик.

МИННАТДОРЛИК
— Бундан 10 йил бурун, аниқроғи, 1996 йил Нарпай туманидаги «Бобур» ширкат хўжалиги ҳудудида «Салим бобо» фермер хўжалигини ташкил этгандик, — дейди **хўжалик раҳбари Баҳодир Аслиддинов**. — Асосан пахта, галла ва чорвачилик маҳсулотлари етиштирамиз. Иштири-мизда 100 гектар экин майдонини бор. Аъзоларимиз сони 35 киши. Иқтисодий аҳолимиз яхши. Бу йил давлатга қарий 100 тонна галла сотдик. 56 гектар ерда пахта етиштирдик. Режадаги 157 тонна ўрнига давлатга, 10 иш куниди 168 тонна қорни навли пахта хомашеси сотдик. Бу ютуқларимизда, шубҳасиз, «Пахта банк»нинг Оқтош филиали ходимларининг ҳиссаси катта. Буноғи йили «ТТЗ-80-11» русумли чопик трактори сотиб олдик. Ушанда

банкдан кредитга олган 12 млн. сўм бизга асқотди. Қарзни қисқа муддатдаёқ сўндирдик. Бу йил эса банк пахта етиштириш ҳаражатларини молиялаштириш учун яна 19 млн. 187 миң сўм миқдорда имтиёзли кредит берди. Самарасини, мана қўриб турибсиз...

ДАЛИЛ
Йил бошидан буён бу ерда қишлоқ хўжалик қорхоналарига ажратилган кредитлар хисобига икки ойдан ортқ техника воситалари сотиб олинди. Жумладан, 30 дона «ТТЗ-80-10», 17 дона «Т-4А», «ВТ-150», 20 дона «КЛАСС Доминатор» ва 2 дона «ДОН-1500Б» русумли галла ўриш комбайни, 57 дона «КУ-4» русумли культиватор, дивертель тиркамалари ва бошқа хил эҳтиёж қисмлар банк кредити эвазига олинди. Чунки, банкнинг Пайшанба филиали томонидан «Сўйилғон» фермер хўжалигига, Каттақўрғон филиали томонидан «Музаффар-У» фермер хўжалигига, Зиевдўдғон филиали томонидан «Р.Махмонов» ва «А.Аллаёров» хўжалиги жамоаларига «КЛАСС Доминатор» русумли комбайнлар олиб берилди.

Жойлардаги бошқарма тасаруфидан бўлган 19 та филиал ва 43 та минибанк ҳозир 10 миңдан ортқ миқжозга хизмат кўрсатмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 августдаги «Банклардаги депозит хисоб рақамидан нақд пул тўловларини узулқис таъминлаш фаолатлари» тўғрисидаги қарори ижроси йўлида савдо, хизмат кўрсатиш ва ёнилғи қўйиш шох-бачаларига 800 млн. сўм миқдорда ой сайин 1 млрд. сўм миқдорда нақд пул банк кассаларига тушишига эришилди. Бу — ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 450 млн. сўмга кўп.

Ўқиб: аҳолининг кенг халқ истеъмол молларига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган «SINO» музлаткичлари, «ROISON» телевизорлари ва бошқа машини техникалар хариди учун 882 млн. сўм миқдорда истеъмол кредитлари белгиланди. Бу

ҳам ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 605 млн. сўм зиёд.

Бошқарма бўйича пластик карточкалар билан ишлаш борасидаги ишлар ҳам яхши йўлга қўйилган. Шу йилнинг 1 сентяб-рига қадар улар сони 51 512 тани ташкил этди. Ҳолбуки, бу кўрсаткич, ўтган йилнинг шу даврига 2,5 баробар наст эди. Самарқанд шаҳри ҳамда туманлардаги турли савдо ва маиший хизмат кўрсатиш дўконларига, ёнилғи қўйиш шох-бачаларига жойлаштирилган 148 та термини орқали ўтказилган тўловлар суммаси ўтган йилнинг шу даврига кўра (2,3 млрд. сўмга қўлайиб) 3,7 млрд. сўмга етди.

ОМОНАТ ТУРЛАРИ
Бугун банкда 20 хил омонат тури мавжуд. Ўтган йилнинг 1 сентяб-ри ҳолатига, жами 11 720 нафар омонатчининг 1,6 млрд. сўм маблағи мавжуд бўлган бўлса, жорий йилнинг шу даврига келиб, уларнинг сони 15 124 нафарга етди. Маблағлари 4,5 млрд. сўм ёки 2005 йилга нисбатан 2,5 баробарга кўпайди. Айниқса, банк томонидан жорий қилинган «Мураббий», «Олтин кўз», «Ҳосил-2006» ва «Фаровонлик» каби омонат турлари аҳолининг тизимга бўлган ишончини орттирмоқда.

Президентимизнинг 2006 йил 23 мартдаги «Шахсий ердამчи ва фермер хўжаликларига чор-ва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида, вилоят бошқармаси бўйича жами 831 млн. сўм миқдорда имтиёзли, мақсадли микрокредитлар ажратилди. Шундан 731 млн. сўми банкнинг ўз маблағи хисобидан берилди.

Изчил, ҳалол фаолиятдан банк ҳам, тадбиркор фермерлар ҳам манфаат кўрмоқда.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,
Мирбохтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари

Мен ўша ернинг ўзида яшайдиган оз сонли маҳаллий арабларнинг бир нечтаси билан суҳбатлашганим. Бу ерда асосан фарбий европалар дам олишаркан. Улар ўзга юртда ўз тартибларини ўрнатилди.

Африкани забт этган ахлоқсизликлар дунёнинг бошқа чеккаларига етиб бормайди дейсизми? Бугун рўмолдан воз кечини талаб қилаётганлар эртага кўкракни очиб юришга, индинга бутун баданини кўз-кўз қилишга мажбур этмайди дейсизми? Миллий маънавиятидан ажраб қолган халқлар иймон-

қилишди.

Гап фақат Жек Стронгнинг ўзида эмас, афсуски, жаҳонда унга ухшаганлар тобора кўпайиб бормоқда. Ҳозир интернетда, «Евроноўс» телеканалда, фарбнинг

• Шарҳ

ШИМОЛИЙ КОРЕЯ

ХИНОДИСТОН

Хитой душанба куни дунё ҳамжамиятини огоҳлантиришга қарамай, ядро синовини ўтказган Шимолий Кореега нисбатан «муносив» чора кўришга қачирди.

Шу пайтгача Пхеньянга нисбатан санкция қўланилишига қарши бўлиб турган Пекин энди қатъий чораларни қўллаб-қувватлаш мумкинлигини билдирди. Шу билан бирга, Хитой ҳукумати бу масалани ҳал қилиш учун ҳарбий куч ишлатилиши мутлақо мумкин эмас, деб ҳисоблайди.

Ўз навбатида, қатъийроқ позицияни эгаллаган АҚШ КХДРга нисбатан ҳарбий усул қўлишни ҳали ҳисобдан чиқариб ташлагани йўқ. Аммо бу мамлакат ҳам масалани дипломатик йўллар билан ҳал қилиш умидида. Вашингтон КХДРнинг ядро дастури бўйича резолюцияни кўриб чиқётган БМТ Хавфсизлик Кенгашини Шимолий Кореега нисбатан санкцияларни БМТ Хартясининг 7-моддасига асосан қўллашга қачирмоқда. 7-модда жаҳон ҳамжамиятининг «дунёга хавф солаётган ҳаракатларнинг олдини олиш, тинчликни бузиш ва агрессия кўринишларини бартараф қилишни белгилаб беради.

Агар 7-моддада кўрсатилган таҳдидлар пайдо бўлса, БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши бу муаммони ҳал қилиш учун бир неча йўлдан бориши мумкин. Биринчидан, КХДР билан дипломатик алоқалар узилиши, иккинчидан, унга нисбатан иқтисодий ва ҳарбий санкциялар қўланилиши, учинчидан, тинчликни

рени текшириш йўлга қўйилиши керак. Бу ядро, кимёвий ёки биологик қуроллар тарқалишининг олдини олиш учун зарур. Бундан ташқари америкаликлар қимматбаҳо товарлар савдоси, ҳарбий аслахлар ва оммавий қирғин қуролларини ишлаб чиқиш учун ишлатилиши мумкин бўлган ҳар қандай материаллар билан савдо қилишни тақиқлаш тарафдори.

Россия ҳам Шимолий Корееда ядро синовлари ўтказилганига қадар унга нисбатан санкция қўланилишига қарши бўлган мамлакатлардан эди. Аммо энди у ҳам келажадаги қадамларини АҚШ ва Хитой билан бамаслаҳат қўйишни билдирди.


Чоршанба куни эрталаб Япониянинг «NHK» телекомпанияси мамлакат сейсмология хизмати КХДР ҳудудида ер силкинишини қайд этганлиги ҳақида маълум қилди. Ер силкинишини янги ядро синови келтириб чиқарган бўлиши мумкин, деган тахминлар олға сурилди. Бироқ Токио, Вашингтон ва Сеул расмийлари бу маълумотларни тасдиқлагани йўқ.

Япония, АҚШ ва Жанубий Корее телекомпания тарқатган маълумотлари текширишга қиринди. Бироқ АҚШ Геология хизмати Корее ҳудудида сейсмик фаолиликни кузатмади.

Аниқланишича, ваҳимага сабаб бўлган ер силкиниши, аслида Япония шимолий қирғоқларида рўй берган zilзиладан бошқа нарса эмас экан.

Сешанба куни Россия, Хитой, Жанубий Корее, АҚШ ва Япония ташқи ишлари вазирларининг телефон орқали конференцияси бўлиб ўтди. Ана шу беш мамлакат Пхеньяннинг ядро дастури борасида КХДР билан музокара олиб бормоқда. Музокаралар ўтган йилнинг ноябрь ойида тўхтатилганди.

Интернет хабарлари асосида Хуршид РАУПОВ тайёрлади.



Спорт

БАНГЛАДЕШДАГИ ГАЛАБА

Кеча футбол бўйича Осиё чемпионати саралаш босқичининг навбатдаги тур учрашувлари бўлиб ўтди. Мусобақанинг «F» гуруҳи баҳсларида иштирок этаётган Ўзбекистон терма жамоаси Дакка шаҳрида Бангладеш футболчилари билан куч синашди.

Охири турларда каторасига икки маротаба дуранг натижа қайд этган вакилларимиз юртимиз футбол ишқибозларини хавотирга солиб қўйганди. Шу боис, УФФ ва терма жамоа раҳбарлари қолган икки учрашувни юқори савияда ўтказиш учун жиддий ҳозирлик кўришди. Жумладан, таркибга анчадан бери қақирилмаган Илёс Зейтулаев («Женоа», Италия), Даврон Файзиёв («Насф», Қарши), Исом Иномов ҳамда Тимур Жўраев («Пахтакор» Тошкент)лар жалб этилди. Бангладеш билан кечган ўйинни ҳам терма жамоамиз сараланган таркибда бошлади ва бу ўз самарасини берди.

Натижада футболчиларимиз учрашувнинг 10-дақиқасидак ҳисобни очдилар. Дастлабки тўп муаллифи Илёс Зейтулаев бўлди. Майдонда ҳужумкор руҳда тўп сурган ҳамюртларимиз ушбу баҳсни 0:4 ҳисобидаги ийрик галаба билан яқунлашди. Рақиблар дарвозасига киритилган тўплар Улугбек Бақоев, Сервер Жепаров ҳамда Максим Шаққилар ҳисобига ёзилди.

Гуруҳдаги иккинчи учрашув Қатар — Гонгконг терма жамоалари ўртасида бўлиб ўтди.

Эркин ХОЛБОБО

СЎНГГИ ҲАМ ОЛДИДАН ҲИСОБ ТЕНГЛАШДИ

Элистада давом этаётган класик ва ФИДЕ йўналишидаги жаҳон чемпионлари Владимир Крамник билан Веселин Топалов ўртасида 11-партия ўйналди. Болгариялик гроссмейстер бу сафар дебютида янги ҳисобни қўлади ва мавқеини мустаҳкам

лади. Лекин ФИДЕ чемпиони бундай имкониятдан фойдалана олмади. Чунки, у доналарни тезкор суриб, ташаббусни бой бериб қўйди. Крамник эса бундан фойдаланиб, ҳужумга ўтмоқчи бўлди, лекин дейтганда тўпни қўйди. Шу тариқа томонлар битимга келишига мажбур бўлишди. Ҳозир ҳисоб сўнги 12-партия олтидан 5:5 бўлиб турибди. Яқунловчи ўйин бугун бўлиши кутилмоқда. Бордию яна дуранг ҳисоби қайд этилса, шохматчилар қисқа муддатли баҳсга ўтадилар.



ШЕВЧЕНКО МАЙДОНДА, АММО...

Маълумки, Украина терма жамоасининг Европа чемпионати саралаш учрашувининг Италия футболчиларига қарши сафарда ўтказган ўйинида моҳир тўпурар Андрей Шевченко беморлиги туфайли қатнаша олмаган эди. Энди Андрей Украина футболчиларининг Шотландия жамоаси билан учрашувда қатнашишига тайёр бўлиб турибди. Лекин терма жамоа мураббийи Олег Блохиннинг кайфияти яхши эмас. Чунки тўпурар Алексей Белик билан химоячи Олег Романчук жароҳат олишган. Владимир Езерский ҳам бу галги учрашувда қатнашмайди. Шотландия футболчилари «В» гуруҳида тўққизта очко билан пешқадамлик қилмоқда. Украинлар эса икки ўйиндан учта очко тўплашган.



Қўп қаватли уйлар олдидаги йўлакча машиналар серкатнов йўлига айланди.

Жамиятимизнинг негизи бўлган маҳалла айнан мустақиллик йилларида хар бир юрдошимизни яратувчанлик, бунёдкорлик йўлида бирлаштирувчи, ҳамжихатликка етакловчи кучга айланди. Ростки, кўпчилик маҳаллаларда олиб борилаётган ободонлаштириш ишларини кўриб, баҳри-дилгингиз очилади. Қўп қаватли уйларнинг йўлакларини ён-атрофлари кишининг ҳавасини келтирадиган даражада саранжом-саришта. Уғил-қизларимизнинг спорт билан шуғулланиши учун деврли барча маҳаллаларда спорт майдончалари, аттракционлар қурилиб, фойдаланишга топширилмоқда. Хусусан Собир Раҳимов туманида ҳам бу борада кўп қаватли ишлар амалга оширилмоқда. Маҳаллалар обод бўлмоқда, маиший-маданий хизмат кўрсатиш муассасалари кўпаймоқда. Турар-жойларда болалар спорт майдончалари барпо этилмоқда.

Бироқ айрим жойларда ахвол кўнглидагидек эмас. Шифокорлар шаҳарчаси Ҳожа Бақоуддин Нақшбанд маҳалласида спорт майдонча бору, лекин номига... Болалар-



Зовур киргоғидаги молхона девори остидан ўтказилган қувур сув устига чиқариб қўйилган

ҚАРОВСИЗ СПОРТ МАЙДОНЧАСИ ВА...

— Буям майли, ҳали тўлик ишга тушмаган 3-автосаройга қарашли Шифокорлар шаҳарчаси шохбekaти қад ростладию, одамларга ноқулайлик туғдирди, — дейди 4-5-ўй фаоли Шорустам ШОБИЛОВ. — Маҳалламизда жойлашган гаражга машиналар кириб чиқадиган илгариги 25 метрлик йўлни шохбекат тўсиб қўйди. Натижада аҳоли истикомат қилаётган қўп қаватли уйлар олтидан транспортлар ўйишга мажбур бўлмоқда. Ёш болалар бор,

кексалар ҳомиладор аёллар дегандай. Бу ноқулайлик бизга ортиқча хатар бўлди. Бундан бир неча кун олдин бир ёш болани машина уриб кетишига бир баҳа қолди. Бундан ташқари, машина шовкин кўпчилигининг асабига тегибгина қолмасдан, бемори бор хонадонларга ҳам ортиқча ташвиш келтирмоқда. Бу ҳақда туман ҳокимлигига мурожаат қилгандик. Вакиллар келиб кўришди ва 2-3 кунда ёнилғи қуйиш шохобчаси ёнидан йўл қилиб берамиз,

дейишувди. Орадан бир ойга яқин вақт ўтди. Лекин йўлдан ҳам, уларнинг ўзларидан ҳам дарақ йўқ... — Бу ҳам етмагандай, — гапга қўшилиди 6-ўйда истиқомат қилувчи пенсионер, 2-гуруҳ ногирони РИХСИВОЙ МУҲАМЕДЖАНОВ, — кечкурунлари ёмон хид анқиб туради маҳалламиздан. Катта ҳалқа йўлнинг нариги томонида иссиқхонанинг ёнида цех очилган. Цехдан кечкурунлари жуда ёмон хид анқийди. Тўғриси айтсам, шу цехни аҳоли истикомат қилаётган ердан олисроққа кўчирса бўлмайди!

Энг қизиғи, қўп қаватли уйларнинг шундоққина орқа томонида молхона-ю қўйхона бор. Яна зорунинг икки қирғоғида деңг. Бу молхонадан қувур ўтказиб, зовурга тўғри-лаб қўйилган. Молларнинг ахлати қувур орқали сувга тушиб кетаверади. Сал нарироқда эса одамлар балиқ тутмоқдалар...

— Ахлатнинг ҳиди ва пашшанинг кўпчилигини нима қилишни билмаймиз, — дейди 9-ўйда яшовчи бир гуруҳ хотин-қизлар...

Тегишли идора ва ташкилотлар бу муаммо ва нуқсонларга бефарқ қарашмайди, деб ўйлаймиз.

Тоштемур ХУДОЙҚУЛОВ Шавкат АҚРАМОВ олган суратлар

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҚУЙИДАГИ БЎШ (ВАКАНТ) КАФЕДРА МУДИРИ, ДОЦЕНТ, КАТТА ЎҚИТУВЧИ, ЎҚИТУВЧИ (АССИСТЕНТ) ЛАВОЗИМЛАРИГА БИТИМ АСОСИДА

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

- Инглиз тили ва адабиёти, Иқтисодиёт, Ўлкашунослик ва Ватан тарихи кафедралари муdiri лавозимларига; Фалсафа (1), Социология (1) кафедралари доценти лавозимларига; Ўлкашунослик ва Ватан тарихи (1), Умумий ва экспериментал физика (1), Математик анализ ва алгебра (1), Педагогика (1), Маънавият асослари (1), Фалсафа (1), Иқтисодиёт назарияси (1), Информатика ва математик моделлаштириш (1), Тиббиёт асослари (1) кафедралари катта ўқитувчиси лавозимларига; Ўзбекистон тарихи (1), Жаҳон тарихи ва археология (1), Рус тили ва адабиёти (1), Ўзбек тили ва адабиёти услубиёти (1), Мусиқа (1), Социология (1), Астрономия ва оптика (1), Информатика ва математик моделлаштириш (1), Математик анализ ва алгебра (1), Педагогика (1), Касбий таълим (1), Механика ва автомобиль транспортини таъмирлаш (1), Ботаника (1), Экология (1), Спорт асослари (1), Жисмоний маданият (1), Тиббиёт асослари (1) кафедралари ўқитувчиси (ассистент) лавозимларига.

Манзилимиз: 730003. Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17-уй. Телефон: (8-375) 225-34-13, 225-18-41, факс: 221-13-12.

Ташкилот ва корхоналар раҳбарлари диққатига!

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси

ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Термиз туманидаги «Қабуллар уйи» иншоотининг ички пардозлаш ҳамда маҳсус ишларини тугаллаш

Иншоотнинг қурилиш ишлари Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниясига ажратилган давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилмади.

Буюртмачи: Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.

Манзил: Термиз шаҳри, А.Бакуменко кўчаси, 5-уй. Телефон: 2-49-71.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридида айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга ёки кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» кўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:

Термиз шаҳри, А.Темур кўчаси, 69-уй, Телефон/Факс: (8-37622) 2-44-73, 2-44-76.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 50 000 сўм. Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади. Оферталарни очиб шуни ва вақтигача савдо ташкилотчиси томонидан оферталар қабул қилинади. Таклифлар очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Термиз шаҳри, А.Бакуменко кўчаси, 5-уй.

«KIMOSHDI SAVDOLARI AGENTLIGI» ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

2006 йил 16, 23 ноябрь кунлари соат 11*да республика Кўчмас мулк биржаси биносига, объектнинг бошланғич баҳоси қадамба қадам ошиши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига такроран: Тошкент вилояти хўжалик судининг қарорига асосан банкрот деб эътироф этилган «Крахмал» ОАЖ балансидаги Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Иттифок ҚФЙ, Тўқимачи ш/х.да жойлашган ишлаб чиқариш заводи бино, иншоот ва асбоб-ускуналари мулкий мажмуа сифатида қўйилади.

Бошланғич баҳоси — 405 000 000 сўм. Аукцион савдолари бўйича харидорлардан аризаларни қабул қилиш ва расмийлаштириш савдо бошланғичидан 1 соат олдин тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридида закатат пули тўлаши шарт. Закатат пули «KIMOSHDI SAVDOLARI AGENTLIGI»нинг Ўзбекистон Республикаси Миллий банки Тошкент шаҳар, С.Раҳимов бўлимидаги ҳисоб рақамига: 20208000304265383003, КОД-00876, СТИР 204563716 ўтказилади.

«Ишонч» газетасининг 2006 йил 12 сентябрь 151 (2200)-сонидида чоп этилган эълондаги 12,19,26 октябрь кунлари савдога қўйилган Тошкент шаҳар хўжалик судининг қарорига асосан банкрот деб топилган Тошкент «Компрессор» заводи ОАЖ балансидаги металл асбоблар қуядиган цех ва асбоб-ускуналар бўйича савдолар тугатиши комиссиясининг хатига асосан вақтинчалик тўхтатилиши маълум қилади.

«Янги аср авлоди» нашриёт-матбаа маркази жамоаси нашриёт бош директори Эркин Абдураҳмоновга валидан муҳтарамаси ИЛҲОМИЯ аянинг вафот этганиги муносабати билан чўқур таъзия ихвор қилади.

Кўшимча маълумотлар учун «KIMOSHDI SAVDOLARI AGENTLIGI»га мурожаат қилишингиз мумкин. Манзилимиз: Тошкент шаҳри, С.Раҳимов тумани, Қора-Қамиш 2/4 даҳаси, М.Урозбоев кўчаси, 1-«А» уй, республика Кўчмас мулк биржаси биноси, 2-қават, 207-хона. Маълумот учун тел/факс: 399-80-23.

«KIMOSHDI SAVDOLARI AGENTLIGI»

«Ишонч» газетасининг 2006 йил 12 сентябрь 151 (2200)-сонидида чоп этилган эълондаги 12,19,26 октябрь кунлари савдога қўйилган Тошкент шаҳар хўжалик судининг қарорига асосан банкрот деб топилган Тошкент «Компрессор» заводи ОАЖ балансидаги металл асбоблар қуядиган цех ва асбоб-ускуналар бўйича савдолар тугатиши комиссиясининг хатига асосан вақтинчалик тўхтатилиши маълум қилади.

Кўшимча маълумотлар учун «KIMOSHDI SAVDOLARI AGENTLIGI» МЧЖга 399-80-23, 399-88-05 рақамли телефонлар орқали мурожаат қилишингиз мумкин.

BOSH MUHARRIR: Safar OSTONOV TAHRIR HAY'ATI:

- Abdulla ORIPOV Latif G'ULOMOV Asliddin RUSTAMOV Bobir ALIMOV Turobjon JO'RAYEV Feruz NAZIROV Ulug'bek MUSTAFOYEV Baxtiyor DO'SJONOV Farruh HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari) Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari) Nomoz SA'DULLAYEV Akbar JANOZQOV Muslihdin MUHIDDINOV Olim MURODOV Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)

MUASSIS: O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI BO'LIMLAR:

- Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-10-13 Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45 Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36 Parlament va huquq 136-76-21 Ekologiya va salomatlik 133-44-55 Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43 Xatar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks) Mas'ul kotib 133-72-83 Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:

- Andijonda — 25-32-70 Buxoroda — 222-10-92 Gulistonda — 25-22-32 Jizzaxda — 5-49-85 Navoiyda — 223-83-73 Namanganda — 6-43-43 Nukusda — 222-70-15 Samarqandda — 35-20-54 Urganchda — 226-51-35 Farg'onada — 26-43-62 Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:

700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY. e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Sobhjon SALIMOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV Sobirjon TUNG'ATOV

«Sharq» nashriyat-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.

Korxonani manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro'yxatga olingan. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi. Hajmi 2 bosma taboq. Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

1250 7131 nusxada bosildi t — Tuzilgan material O'zA yakuni — 21.20 Topshirish vaqti — 22.20 2 3 4 5 6 Sotuvda erkin narxda